

АЛИДЖАНОВА Лазизахон Аббасовна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Динишунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ИЮНЕСКО
кафедраси ўқитувчиси

ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА БИОЭТИКА МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ЗДОРОВЬЯ ЧЕЛОВЕКА И БИОЭТИКИ В ИСЛАМСКОМ УЧЕНИИ

PROBLEMS OF HUMAN HEALTH AND BIOETHICS IN ISLAMIC THEOLOGY

Аннотация: Ислам таълимотига кўра, ҳар бир инсон ўз умри давомида бир қанча синовлардан ўтади. Ҳосилдорлик, қурғоқчилик, бефарзандлик, бойлик ва бошқа йўллар билан инсонлар синовдан ўтадилар. Аллоҳ томонидан юборилган энг катта синовлардан бири бу инсон саломатлиги ва беморлигидир. Бу каби синовлар касалликлардан бири вабо бўлиб, бу касаллик инсоният тарихида катта жамиятларга улкан таҳдидлар солган. XXI асрга келиб, Ер юзидида таҳдид солиб турган COVID-19 ҳам шу каби вабо касаллигидандир.

Калит сўзлар: ислом, вабо, тибб ан-Набавий, Саҳиҳи Бухорий, Китоб ат-тибб, рух, қалб, поклик.

Аннотация: Согласно учению ислама, каждый человек в течение своей жизни проходит ряд испытаний. Плодородием, засухой, бездетностью, богатством и другими способами люди испытываются. Одним из величайших испытаний, посланных Богом, является здоровье и болезнь человека. Одной из таких тестовых болезней является чума, болезнь, которая на протяжении всей истории человечества представляла огромную угрозу для больших обществ. К 21 веку COVID-19, который распространяется по Земле, является одной из таких чум.

Ключевые слова: Ислам, чума, тибб ан-Набави, Саҳиҳи Бухари, Китаб ат-тибб, душа, сердце, чистота.

Annotation: According to the teaching of Islam, every person goes through a number of tests during his life. Through fertility, drought, childlessness, wealth, and other ways, people are tested. One of the greatest tests sent by God is human health and illness. One such test disease is the plague, a disease that has posed enormous threats to large societies throughout human history. By

the 21st century, COVID-19, which is spreading across the Earth, is one such plague.

Key words: Islam, plague, tibb al-Nabawi, Sahihi Bukhari, Kitab at-tibb, soul, heart, purity.

КИРИШ

Ислам дини таълимотида инсон ҳаёти давомида учрайдиган барча муаммоларнинг ечими очиқ баён этилган. Шунингдек, касаллик Аллоҳ томонидан берилганидек, унинг шифоси ва давосини ҳам Аллоҳ таолонинг ўзи беради. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: “Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг ўзи” [1]. Шунингдек, касалликдан сақланиш усуллари ҳам Муҳаммад (с.а.в.) томонидан тибб ан-Набавийда очиқ ёритиб берилган. **Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади:** Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деяётганини эшитдим: “Идишларни устини ёпиб қўйинглар, сув меишларни оғзини маҳкамланглар, чунки йилнинг бир кечасида вабо тушади. У усти ёпилмаган идишлар ва оғзи очиқ меишларга албатта тушади”. Имом Муслим ва имом Байҳақий ривояти [2].

АСОСИЙ ҚИСМ

Тибб ан-Набавийга асосан мусулмон киши доимо бирор касаллик келишидан олдин унинг олдини олишга тадбир қилиши лозим. Тибб ан-Набавийдаги ҳадисларнинг асосий қисми касалликни даволашдан кўра унинг профилактикасига қаратилган. Бу ҳақда Муҳаммад (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади: Имом Байҳақий ва Имом Ҳоким қилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар: *إِغْتَنِمْ خَمْسًا قَبْلَ خَمْسٍ: شَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ وَغَنَّاكَ قَبْلَ فَقْرِكَ وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ وَحَيَاتَكَ قَبْلَ مَوْتِكَ* (رواه البيهقي والحاكم)

“Беш нарсани беш нарсадан аввал ғанимат бил: кексалигингдан аввал ёшлигингни, бетоблигингдан аввал саломатлигингни, фақирлигингдан аввал бойлигингни, бир ишга машғул бўлиб қолишингдан аввал бўш вақтингни ва ўлиминг келмасидан аввал ҳаётлик вақтингни” (Имом Байҳақий ва Имом Ҳоким ривояти).

Мусулмон киши ҳар қандай ҳолатда касалликнинг келишига, ўзини ва оиласини сақлаш учун барча тадориқни кўриши шарт. Шу билан бирга, инсон танаси билан бирга барча ашёларни покиза сақлаш,

гигиенага амал қилиш, ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиши лозимлиги уқтирилмоқда. Шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.) бир жойга вабо тушса, унинг тарқалувчи хусусиятга эга эканлиги ҳамда унинг тарқалиб кетмаслиги учун қандай тадбирлар қилиниши кераклиги ҳақида ҳам аниқ кўрсатма берганлар.

Базелюк Надежда Николаевнанинг тадқиқотида *“Шуни тан олиш керакки, яқинда валеологиянинг фалсафий ва ижтимоий жиҳатлари, соғлом турмуш тарзини шакллантириши у ёки бу даражада таъсир кўрсатадиган тадқиқотларга қизиқиш ортди. Бироқ, инсоннинг индивидуал соғлигини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш, унинг валеологик жиҳати, аҳамиятига қарамай, турли сабабларга кўра тегишли эътибор берилмаган. Шундай қилиб, соғлом турмуш тарзи ва индивидуал (валеологик) саломатликнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларини, инсонни ва бутун аҳолини соғлом турмуш тарзини шакллантиришига ундаш тамойилларини тушунириши муҳимлиги келиб чиқади”* [3:4].

Икрима ибн Холид отасидан ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) Табук газотида шундай дедилар: *“Агар бирор жойга тоъун¹ тушса-ю сизлар у жойда бўлсаларингиз, у ердан чиқманг. Агар вабо сизлар бўлмаган бошқа бирор жойда тарқалган бўлса, у ерга яқинлашманг!”* (Имом Аҳмад ривояти). Ушбу ҳадисни имом Бухорий, имом Муслим, имом Таҳовийлар ҳам ривоят қилганлар. Шунингдек, имом Термизий *“Сунан”*ида ҳам ушбу ҳадис ривоят қилинади: Усома ибн Зайддан ривоят қилинади: Набий (с.а.в.)дан тоъун ҳақида сўрадилар. У зот: *“Тоъун – Бани Исроилнинг бир тоифасига юборилган касаллик ёки азобдир. Агар бирор жойга тоъун тарқалган бўлса-ю сизлар у жойда бўлсаларингиз, у ердан чиқмангизлар. Агар вабо сизлар бўлмаган бошқа бирор жойда тарқалган бўлса, у ерга яқинлашманг!”* (Имом Термизий ва имом Насой ривояти).

Юқоридаги ҳадисга асосан, вабонинг тарқалишини тўхтатишнинг энг мақбул чораси замонавий карантин эканлиги таъкидланмоқда. Замонавий тиббиётнинг барча вакиллари ҳам вабо тарқаганда энг бирламчи ва эҳтиёт чораси сифатида айнан карантин тадбири эканлигини таъкидлайди.

Ислом таълимоти бўйича уруш вақтида Ватанин ташлаб қочишлик ҳалок қилувчи

еттита гуноҳи кабираларнинг биридир. Бундан карантин қондасига риоя қилмаслик, вабо тарқаган жойдан чиқишлик мана шундай тарзда ифодаланмоқда.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вабо ҳақида шундай дейдилар: *“Албатта, бу вабо – Аллоҳ у билан сиздан аввалги қавмларни ҳалок қилган азобдир. Ер юзидан ундан бир ози қолган. Гоҳида келади, гоҳида кетади. Агар бир ерда вабо пайдо бўлса, у ердан чикиб кетманг. Агар бир ерда вабо борлигини эшитсангиз, у ерга борманг”* (Имом Аҳмад ривоятлари).

Вабо ва ўлат, умуман олганда эпидемиялар сабабидан вафот этган мусулмонлар ҳақида Пайғамбар(с.а.в.) шундай деганлар: *“Вабо – ҳар бир мусулмон учун шаҳидликдир”* (Имом Бухорий ривоятлари).

Ислом таълимотида беморлик учун шифо топиш, касал кишига ғамхўрлик қилиш нафақат маъқулланган амал, балки бу мажбурий амал ҳисобланади. Жисмоний шифо топиш аввалда қалбни поклашлик, руҳиятни даволашлик билан бошланади. Руҳий саломатлик жисмоний соғлиқ билан боғлиқ, деган нуқтаи назар билан касалларни даволаш учун аввало Аллоҳга мурожаат қилиш лозим. Қуръон ва ҳадисдаги далиллар касалликлар Аллоҳнинг синови ва руҳий покланиш учун йўл эканлигига далолат қилади [4].

Ўрта аср ислом тиббиёт матнларида тана ва қалб масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ибн Сино ақл, руҳ ва тана бир-бирларига таъсир қилади, деб ёзади. Гарчи у ақлни устун деб билган бўлсада, онг, руҳ ва тана бир-бирининг таъсирисиз умумий тана соғлиғига эга бўлиш ёки касалликни алоҳида даволаш мумкин эмас, дейди. Руҳий саломатлик ҳақида ёзаркан у: *«ҳиссиётларни ҳимоя қилишда онг ва тана бир вақтнинг ўзида сақланиб қолади,»* дейди [5].

Исломда даволашнинг биринчи усули жисмоний бўлса, иккинчиси руҳий даволаш бўлиб, баъзи ҳолларда, жисмоний даволанишдан кўра руҳий даволаниш тавсия этилган. Биринчидан, беморлар танадаги касалликдан шифо топишга интилиб, ярани куйдириш азоби каби, шунингдек, даволаниш ва парвариш қилиш учун катта миқдорда пул сарфлаб дори-дармонларнинг аччиқлигини ҳис қиладилар. Бошқа томондан, руҳни парвариш қилиш ва тозалаш жуда муҳим [6]. Иккинчидан, агар касалликка жинлар ва ёмонликлар сабаб бўлган бўлса, оддий тиббий муолажалар самара бермайди. Чунки, руҳий касаллик имон-

¹ Изоҳ: вабонинг бир тури

этикоднинг йўқлиги ва қалбнинг қашшоқлиги натижасида пайдо бўлади. Бундай ҳолда, руҳий касалликни айнан руҳий даволаш орқали муолажа қилинади.

Мусулмонлар инсон жасадини соғломлаштиришда энг аввало унинг руҳияти ва нафсини поклаш, шунингдек, ахлоқини сайқаллашга алоҳида эътибор қаратганлар. Пайғамбар (с.а.в.) суннатларига амал қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда қалб, нафс ва руҳни поклаш, тарбиялаш ва ҳулқлантириш тасаввуф уламулари томонидан ўрганилган. Бу илм “Тиббул қулуб”, яъни қалблар шифоси деб аталиб, унинг ўзига хос шарҳи мавжуд.

Тибб илми икки қисм: жисм ва қалб табобатидан иборат. Жисм табобати одамнинг бадани, аъзоларининг саломат экандиги жиҳатидан унинг соғлиғини сақлаш ёки касалликдан тузатиш учун ўрганилади. Қалб табобатида эса, инсон қалбининг ҳолати, унинг тузалиши, бузилиши ёки хаста бўлиши жиҳатидан ўрганилади.

Ислом тушунчалари бўйича қалб икки: зоҳирий ва ботиний турда намоён бўлади. Зоҳирий қалб инсон кўкрак қафаси ичида жойлашган конус шаклидаги гўшт парчаси. Ботиний қалб эса, нуроний, латиф, тафаккур қилувчи, инсонийлик хислатларини очиб берувчи нарсадир.

Ислом тиббиётида руҳий даволаш, қалбни саломат сақлашлик билан бирга жисмоний соғломлаштириш бўйича бир қатор аниқ кўрсатмалар берилган. Жумладан, бошқа тиббиёт тизимларида бўлгани каби, асал шифобахш ичимлик ҳисобланади. Имом Бухорий ўзининг “Китоб ат-тибб” (тиббиёт китоби)нинг тўртинчи бобини “ад-Даво’ би ал-асал ва қавлиҳи та’ала фиҳи шифо ли ан-нас” деб номлаган. Бу ерда Имом ал-Бухорий асал ҳақидаги учта ҳадисни Қуръоннинг кўп оятларида таъкидлаб ўтилган қиймати билан бирга зикр қилган. Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 68-69 оятларида **Раббингиз асалариларга ваҳий (буйрук) қилди: “Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) барпо қиладиган нарсаларга ин қурингиз. Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан юрингиз!”** Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур. Албатта, бунда фикр юритадиган қавм учун аломат бордир”. Шу фойдадан келиб чиқиб, асалнинг шифобахш фойдалари ҳақида Имом

Бухорий “Китоб ат-тибб” (тиббиёт китоби) да зикр қилган энг машҳур ҳадислардан бири “Боб ад-Даво би-л-асал ва қавл Аллоҳ таоло фиҳи шифо ли-н-нос (Асал билан даволаш боби ва Аллоҳ таолонинг баёноти: одамлар учун шифо) бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: “Бир киши Пайғамбарнинг ҳузурларига келиб: “Биродаримнинг бир оз қорин муаммоси бор”, деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: “Асал ичсин”, деб жавоб бердилар. У киши иккинчи марта келди ва Пайғамбар (с.а.в.) унга “Асал ичсин”, деб жавоб бердилар. У учинчи марта келди, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Асал ичсин», дедилар. У яна қайтиб келиб: “Мен буни қилдим”, деди. Шунда Пайғамбар (с.а.в.): “Аллоҳ рост айтди, лекин биродарингизнинг қорни ёлғон гапирди (садақа Аллоҳ ва казиба батн ахика). Унга ичишга асал бергин дедилар. Шундай қилиб, у биродарига асал ичирди ва у шифо топди” [7].

Тиббиётга оид ҳадислар “Саҳиҳи Бухорий”нинг “Китоб ат-тибб”ида кўплаб қайд этилган. Улар «Китоб ат-тибб»нинг ўн биринчи бобидан ўн бешинчи бобигача ёзилган. Бу беш бобдан бири “Боб ал-ҳижома мин ал-доъ” (ҳижома – касалликка даво сифатида)дир. Имом Бухорий бу бобда Жобир ибн Абдуллоҳнинг касаллик пайтида ал-Муқаннани зиёрат қилганини ривоят қилганини зикр қилган. Жобир (р.а.) анху дедилар: “Уни қопламагунча кетмайман, чунки мен Расулуллоҳнинг: “Чиқишда шифо бор”, деганларини эшитдим”. Иккинчидан, Имом Бухорий ривоят қилган “Аллоҳнинг Расули Маккага кетаётиб, эҳром боғлаган ҳолида, Лаҳй Жамол деган жойда бошининг ўртасига ҳижома қилдирган эдилар”. Учинчидан, Имом Бухорий ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларидан қон олдирдилар”. Шунингдек, Имом Бухорий ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижома ва қон олдиришга тенг келадиган даво тури йўқ”, деганлар [8].

Даволаш усуллариининг ривожланиб бориши натижасида одамлар инсон танасининг зарарланган қисмларидан қон сўриш воситаси сифатида зулукдан фойдаланиши ҳижомага ўхшашлигини кузатишган. Грек-араб тиббиётида зулук терапияси муҳим ўрин тутган. Масалан, Ибн Сино ва ал-Бағдодий ўзларининг “ал-Қонун фи-т-тибб” ва “ал-Мухторат фи-т-тибб” асарида зулук учун алоҳида бўлим ёзганлар. Ибн Синонинг таъкидлашича, зулукни қўллаш тананинг чуқур

қисмларидан қонни чиқаришда ҳижомадан кўра фойдалироқдир. Тери касалликларида зулук ёрдамида даволаш мақсадга мувофиқдир. Ал-Бағдодий учун зулукдан фойдаланиш тери касалликлари, нам ва сурункали яралар учун энг яхши усул ҳисобланган. Зулук ёғли ва гўшти одамларнинг вазнини камайтириш учун ҳам ишлатилади. Улар қайта-қайта ишлатилиши мумкин, аммо ўзаро инфекциялар алмашилиши хавфи ортади. Зулук, айниқса, микрожарроҳлик операцияларидан кейин тўқималарни тозалаш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Зулукдан фойдаланиш хавфи борлиги сабабли, ал-Бағдодий ва бошқа мусулмон табиблар зулукни тозалаш зарурлигини таъкидлаганлар. Бунинг учун қўллашдан олдин зулукга ёпишган чангни артиб ташлаш лозим. Зулук қонни сўриб, пастга тушишга мойил бўлганда, инсон танасининг зарарланган қисмига туз сепилиши керак. Ал-Бағдодийнинг зулук ҳақида шундай дейди: “Уларни қўллаш керак бўлса, аввал улар бир кун давомида сақланиши ва кейин қўлланилиши керак. Агар зулук ёпишиб қолмаса, янги қон қуйилади ёки яхшилаб майдалаб, майдаланган лойдан сепилади ва шикастланган жойида яра бўлмаса, қизариб кетгунча ишқаланади [9].

“Саҳиҳи Бухорий”даги “Китоб ат-тибб”нинг аҳамияти биринчи навбатда, Пайғамбар (с.а.в.) давридаги мусулмонларнинг аҳволи, касалликнинг олдини олиш ва даволаш усуллари ҳақида тушунча беради. Ат-тибб ан-набавийнинг аксар қисми даволловчи табобат (ат-тибб ал-иложий) эмас, балки профилактика табобати (ат-тибб ал-виқоъи) ҳисобланади. Касалликнинг олдини олиш усули ўша пайтда мавжуд бўлган илмий билимлар даражасини ҳисобга олган ҳолда илғор ҳисобланган. Касалликни даволашда эса, Пайғамбар (с.а.в.) нинг “Китоб ат-тибб” асаридаги ҳадислари мусулмон одам касал бўлса, қандай даволаниши лозимлиги ҳақида маълумот беради. Алоҳида қайд этиш лозимки, исломда касалликни даволаш асосан касалликнинг сабабига асосланганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги асосларга мисол қилиб, “.... Уларнинг ўзаро муносабатлари тарихида ўзаро манфаатлар тўғрисида хабардорлик дарҳол шаклланмаган, аммо объектив сабабларга кўра («алоқа нуқталари» нинг илмий ривожланиши етарли эмас, масалан, педология). Аҳолининг ҳаёт суръати кескин ошиб, бугунги кун глобал муаммоларига айланди. Улар орасида экологик,

валеологик, демографик муаммолар пайдо бўлди. Бу эса, ўқитувчининг тайёргарлигига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлигини келтириб чиқарди, деган фикрларни ҳам мисол келтиришимиз мумкин [10].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ат-тибб ан-набавийни тўлиқ тушуниш учун доривор ўсимликлар, муҳитдаги ўзгаришлар, шунингдек, тилшунослик атамаларининг маъноси тўлиқ англаш лозим. Ҳижратнинг биринчи асрида бу каби даволаш усуллари, буюрилган амаллар бугунги кундаги шароитларга мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли, ат-тибб ан-набавий ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун соҳа уламоларининг манбаларига мурожаат қилиш етарли бўлмай, Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейинги тадқиқотчилар томонидан ўрганилган янги кашфиётларга мурожаат қилиш ҳам лозим.

ФОЙДАЛАНГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Шуаро сураси, 80-оят // Мухаммадсодик Мухаммадйусуф. Тафсири ҳилол. – Тошкент: Hilol nashr, 2021.
2. Қобилов Н. Чин мусулмоннинг набавий таърифи. <https://www.bukhari.uz/?p=17548> (10.12.22)
3. Базелюк Н.Н. Социально-философские проблемы здорового образа жизни и индивидуального (валеологического) здоровья: автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Москва: Современная гуманитарная академия, 2008. – С. 30.
4. Rahman F. Islam and Medicine: Health and Medicine in the Islamic Tradition: Change and Identity. New York, 1987. – Б. 36
5. Rahman F. Islam and Medicine: Health and Medicine in the Islamic Tradition: Change and Identity. New York, 1987, – Б. 37.
6. Morewedge P. The Metaphysica of Avicenna (ibn Sina). Columbia University Press, New York, NY, 1973. – Б. 379.
7. بدر الدين عيني. عمدة القاري. شرح صحيح البخاري 21: 231
8. صحيح البخاري ، كتاب الطب ، باب الدعوة بالعسل وقول الله تعالى شفاء الناس
9. صحيح البخاري. كتاب الطب ، باب الحجامّة من الدعوة
10. البغدادي. كتاب المختارات في الطب. 1: 299
11. Сулкарнаева Г.А. Интеграция учебных дисциплин с целью использования учителем валеологического блока для реализации гуманистической концепции образования: автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Омск, 1999. – С. 11.